

Қаҳрамон Усманович Умидуллаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ

институтининг катта илмий ходими,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *Мазкур мақолада қадимги Хитойда вужудга келган моизм таълимоти, унинг асосчилари, тарафдорлари, таълимотнинг асосий ғоялари, мақсадлари, вазифалари ҳақида фикр юритилган. Ушбу таълимотга оид манбалар ўрганилиб, таҳлил қилинган. Таълимотга оид қараишлар, унинг вужудга келиши, асосий қонуниятлари ва тамойиллари ёритиб берилган. Ўрганиш натижаларига асосланиб тегшли хулоса қилинган.*

Калим сўзлар: *Мао-цзы, Ян Чжун, “Ши”, “Фэй”, “Ю”, “И”, “Фа”, “Жэнь”, “Жузи”*

Қадимги Хитойда вужудга келган фалсафий таълимотлардан яна бири Моизм унинг асосчиси Мо-цзы (милоддан аввалги 470-391йиллар) томонидан асос солинган¹. Мо-цзынинг туғилган жойи номаълум, манбаларда Лу (Конфуцийнинг туғилган жойи) ёки қўшни Сун қироллигида туғилгани тахмин қилинган. Мо-цзынинг келиб чиқиши ҳунармандлардан бўлиши мумкинлиги ҳам тахмин. Умуман олганда, Мо-цзынинг ҳаёти ҳақида ҳеч қандай ҳужжатли далиллар сақланмаган².

Қадимги Хитой моизм фалсафий таълимоти иккита асосий босқичига: эрта ёки асл моизм ва кеч моизмга бўлинади. Мо-цзынинг сиёсий, ахлоқий, фалсафий ғоялари унинг шогирдлари томонидан тузилган худди шу номдаги уч қисмдан иборат асарда акс этган. Бу бўлиниш Мо-цзы

¹ Ivanhoe, P.J.; Van Norden, Bryan William. Readings in classical Chinese philosophy. — :en:Hackett Publishing, 2005. — С. 60. — ISBN 978-0-87220-780-6.

² The Mozi. A Complete Translation / Translated and annotated by Ian Johnston. — N. Y.: Columbia University Press, 2010. — 1032 с. — (Translations from the Asian Classics). — ISBN 9780231152402.

вафотидан кейин унинг издошлари учта оқимга бўлингани билан изоҳланади.

Манбаларда у тинчликни таъминлашга интилган ҳарбий арбоб ва дипломат сифатида эсланган. Қайд этилишича, Мо-цзы ҳарбий истехкомлар бўйича мутахассис бўлган. Мо-цзы ўша даврнинг бошқа зиёлилари сингари, ўзини маслаҳатчиси сифатида қабул қиладиган ҳукмдорни топишга умид қилган ва шогирдларини масъул лавозимларга тавсия этган. Дастлаб у Конфуций издошлари мактабида ўқиган³. Шунга қарамай Конфуций таълимотини рад этади. Ўз даврида моизм конфуцийликнинг асосий рақобатчиси сифатида кўрилган.⁴

Мо-цзы ҳам легизм таълимоти тарафдорлари каби Конфуций маросимлари бемаъни, маблағларни беҳуда сарфлаш деб ҳисоблаган. Конфуций ота-онага, оилага, қўшниларга муҳаббатни тарғиб қилган бўлса, Мо-цзы ҳаммага тенг муҳаббат ва ўзаро ҳурмат идеалларига асосланган ижтимоий-сиёсий тартибни тарғиб қилган.

Мо-цзы ўз таълимотида қуйидаги ўнта асосий тамойилни илгари сурган: доноликка ҳурмат; бирликка ҳурмат; умумбашарий муҳаббат ва ўзаро манфаат; тажовуз қилмаслик; мусиқани рад этиш; тежамкорлик; дафн маросимларида тежамкорлик; тақдирни рад этиш; осмон иродасини тан олиш; руҳий кўриш, асосийси умумбашарий муҳаббат ва ўзаро манфаат.

Яна бошқа манбада қайд этилишича, моизмнинг тамойиллари қуйидагилардан иборат: барчага тенг муҳаббат, урушларини рад этиш, фазилатни қадрлаш, тежамкорлик, дафн маросимларида вазминлик, осмон иродасига риоя қилиш, мусиқанинг маъносизлиги ва фатализмни танқид қилиш, ҳар кимга тенг имконият яратиш, туғма қобилиятни қадрлаш, лавозимга эга бўлишда қариндошликни олдини олиш, ҳашаматни рад этиш, дафн маросимларида тежамкорлик⁵.

³ Рубин В. А. Личность и власть в Древнем Китае. — М.: Вост. лит., 1999. — 384 с. — (Corpus Sericum). — ISBN 5-02-017868-3

⁴ Сокращенная философская энциклопедия Рутледжа. Под редакцией Эдварда Крейга. Издательство «Рутледж Пабблишинг». 2005.

⁵ Идея Мо-цзы заключалась не в увеличении «количества» любви, а в её большей «беспристрастности», распространении на всех окружающих.

“Мо-цзы таълимотида одамлар бир-бирига, яъни кучлилар кучсизларга ёрдам беришга, билимдонлар жоҳилларга ўргатишга, бир-бирлари билан мулкни бўлишишга чақириқлар мавжуд”⁶. “Моизмда ғамхўрлик, яъни барча одамларга уларнинг мансублигидан қатъи назар, тенг ғамхўрлик қилиши кераклиги қайд этилган”⁷.

Моистлар ҳам легистлар каби бутун кироликда тинчлик ўрнатиш, одамларни келиб чиқиши ва зодагонлиги бўйича эмас, балки қобилият ва хизматлари асосида лавозимларини эгаллашни таклиф қилишган.

Манбаларда қайд этилишича қуйидаги цитаталар Мо-цзыга тегишли.

“Империяни бошқаришга масъул доно одам тартибсизликнинг сабабини тартибга солишдан олдин билиши керак. Агар унинг сабабини билмаса, уни тартибга сола олмайди.

Агар сиз мамлакатнинг барча бойликларини йиғсангиз, улар доно ва содиқ хизматчиларнинг қийматига тенг келмайди.

Катта ва ўрта дарёлар тўлиш ва шу тариқа буюк бўлиш учун ирмоқлар ва тоғ оқимларини ўзларига қўшиб олади.

Доноликка ҳурматсизлик, қобилиятсизларни тайинлаш натижасида мамлакатда тартибсизлик бўлади.

Ақл – бу нарсаларнинг моҳиятини тушуниш.

Қадимги даврлардан етиб келган барча яхши ва фойдали нарсаларга риоя қилиш керак, аммо янги фойдали ва яхши нарсаларни яратиш керак”⁸.

Моизм таълимотида илгари сурилган ахлоқ, мантиқ, оқилона фикрлаш ва илмга асосланиш каби қарашлар шу номдаги китобда жамланган. Манбаларда қайд этилишича, “Моистлар жуда интизомли илмий ҳамжамият бўлган. Улар устозларини “катта одам” деб аташган. Моистлар мантиқ соҳасига муҳим ҳисса қўшдилар”⁹. “Моизмда билим, мантиқий ечим зарур шартлардир. Моистлар нарсаларнинг катта ва кичик сабаблари тоифасини аниқлаш муҳимлигини таъкидлайдилар”¹⁰. Мо-цзы

⁶ [Моизм \(xn--jlahfl.xn--p1ai\)](#)

⁷ Сто философов: путеводитель по величайшим мыслителям мира

⁸ <https://citaty.su/mo-czy-vyskazyvaniya-i-izrecheniya-mo-czy>

⁹ [Школа моцзя \(墨家; моизм\) - Большая Китайская Энциклопедия \(shansbooks.ru\)](#)

¹⁰ [Философия моизма — основные идеи - Блог «Шэнсяо» \(shensyao.com\)](#)

бирор нарсани яхшилик деб тан олишдан олдин, унинг одамларга қандай фойда келтиришини аниқлаш керак, деб ҳисоблайди. Моизм мактабларидан бири бу мантиқий жумбоқларни ечишга қизиққан мантиқчилар мактабидир.

Таълимотда барча ҳодисаларга уларнинг фақат фойда келтириши, муайян мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилиш имконияти нуқтаи назаридан баҳо берилган. Мисол учун, Бизга уйлар нимага керак? Бизни қишки совуқ ва шамолдан, ёзги жазирама ҳамда ёмғирдан, қароқчилар ва ўғрилардан ҳимоя қилиш учун. Агар бу мақсадларга эришилса, энди керак эмас. Бу мақсадлардан ташқарига чиқадиган ҳар қандай нарсани йўқ қилиш керак¹¹.

Мо-цзынинг таъкидлашича, “жамият уюшган организм сифатида ишлаганда, табиий ҳолда унинг самарасизлик миқдори камаяди. У можароларга инсоният маданиятига хос бўлган ахлоқий бирхилликнинг табиий ҳолати, яъни нима тўғри “Ши” ва нима нотўғри “Фэй” таърифининг етишмаслиги сабаб бўлган деб ҳисоблайди. Мо-цзынинг сўзларига кўра, бунинг учун, муносиб издошларни қадрлайдиган раҳбарларни танлаш керак, улар “Ши” ва “Фэй”нинг уйғунлаштирадиган иерархияни яратадилар. Шунда ҳукумат нуфузли ва автоматлаштирилган воситага айланади¹².

Мо-цзы одамларнинг худбинлиги ва тарафкашлигини ўз давридаги барча муаммолар ва тартибсизликларнинг сабаби деб ҳисоблаган. У “агар ҳар бир инсон бошқа мамлакатлар ва шаҳарларга ўзиникидек муносабатда бўлса, улар чет элга ёки шаҳарга ҳужум қилмайди деган “олтин қоида”ни шакллантирган. У истеъдодни қадрлаш, барчага тенг имконият бериш, аҳоли сонининг кўпайиши, фаровонликни ошиши, ички ва ташқи таҳдидларни, тартибсизликни бартараф этиш мамлакат учун сўзсиз фойдалигини айтган¹³.

¹¹ Van Norden, Bryan W. Introduction to Classical Chinese Philosophy (англ.). — [en:Hackett Publishing](#)^[англ.], 2011. — P. 52. — ISBN 978-1-60384-468-0.

¹² [Mohism - Wikipedia \(turbopages.org\)](#)

¹³ Fraser, Chris, «[Mohism Архивная копия](#) от 21 марта 2019 на [Wayback Machine](#)», [Стэнфордская философская энциклопедия](#), Edward N. Zalta.

Моизм таълимотида кўп фарзандлилик қадрлаган. Қайд этилишича, агар одамларда ҳамма нарса етарли бўлса, улар яхши яшашади, фарзандлари кўп бўлади, бир бирларига меҳрибон бўлади”¹⁴.

Мози даврида урушлар ва очарчиликлар одатий ҳол эди. Мо-цзы ва унинг шогирдлари мудофаа учун қуроллар, стратегия ва ҳарбий сафарбарлик борасида изчил ва мунтазам равишда ишладилар¹⁵. Моистлар дипломатия ва ҳарбий ишлар билан шуғулланишган ва ҳужумга учраган кичик князликларга ёрдам беришган¹⁶. Аммо моизм таълимоти ҳар қандай тажовузларга, айниқса давлатлар ўртасидаги урушларга қарши бўлган. Таълимотга кўра, бундай урушлар икки мамлакат халқи учун азоб-уқубат келтиради. Бироқ, давлатга қонуний мудофаа мақсадларида куч ишлатишга рухсат берилган.

“Шунингдек, Мо-цзы ўша даврнинг ижтимоий меъёри бўлган қариндош-уруғчиликка қарши эди. Мо-цзы инсон бирон бир вазифага мос экан, қон мансублигидан қатъи назар уни қўллаш кераклигини, шунингдек, барча одамлар моддий ва жисмоний зарарлардан ҳимояланишга тенг даражада лойиқ эканлигини таъкидлайди. Таълимотида қайд этилишича, ҳукмдор истеъдодли одамларга яқин бўлиши, истеъдодларни қадрлаши ва маслаҳат учун уларга мурожаат қилиши керак. Тарихда, афсуски, кўп одамлар заифлиги учун эмас, балки кучи туфайли ўлдирилган. Яхши камон яшаш қийин, лекин у баланд отади. Яхши отни миниш қийин, лекин у оғирликни кўтариб, узоққа саёҳат қилиши мумкин. Иқтидорли одамларни бошқариш қийин, лекин улар ўз ҳукмдорининг ҳурматиغا сазовор бўлишлари мумкин.

Қонун ва тартиб моизм фалсафасининг муҳим жиҳати эди. У ўз ишини бажариш учун стандарт асбоблардан фойдаланадиган дурадгорни ҳеч қандай стандартларга эга бўлмаган ҳукмдор билан таққослади.

¹⁴ Лоу, Майкл; Шонесси, Эдвард Л. (2011). Кембриджская история Древнего Китая. Издательство Кембриджского университета. стр. 761. ISBN 978-0-52-147030-8.

¹⁵ «Идеи Мози и их значение для изучения современных международных отношений». Китайский журнал международной политики. Оксфордский академический.

¹⁶ Рубин В. А. Личность и власть в Древнем Китае. – М.: Вост. лит., 1999. — 384 с. — (Corpus Sericum). — ISBN 5-02-017868-3.

Дурадгор ҳис-туйғуларига эмас, балки ҳар доим стандарт асбобларига таяниши керак. Қарори бутун халқнинг тақдирига тегишли бўлган ҳукмдор бир қатор меъёрларга риоя қилиши янада муҳимроқ. Ушбу стандартлар инсондан келиб чиқиши мумкин эмас. Чунки ҳеч бир инсон мукамал эмас. Ҳукмдор фойдаланадиган ягона стандартлар осмондан келиши керак, чунки фақат осмон мукамалдир. Осмоннинг бу қонуни муҳаббатдир. Моистлар осмонни ахлоқий тамойиллар тимсолининг намунаси деб ҳисоблашган.

Таълимотга кўра, ҳукмдор барча одамларни хайрихоҳлик билан яхши кўрадиган ва амалдорлар меритократияга мувофиқ танланадиган (сайланадиган) мукамал давлат тузилмасида эга бўлиши керак. Қайд этилишича, агар ҳукмдор ноҳақ бўлса, бу халқ учун қуйидаги етти фалокатга олиб келади.

1. Мамлакат мудофаасини эътиборсиз қолади, саройда жуда кўп исрофгарчиликлар бўлади.

2. Чет элликлар томонидан босим бўлганда, кўшни давлатлар ёрдам беришни хохламайди.

3. Одамлар конструктив бўлмаган иш билан шуғулланади, фойдасиз аҳмоқлар эса мукофотланади.

4. Қонунлар ва қоидалар жуда қаттиқлашиши натижасида репрессив кўрқув пайдо бўлади ва одамлар фақат ўз манфаатлари ҳақида қайғуради.

5. Ҳукмдор ўз қобилияти ва мамлакатнинг кучи ҳақида нотўғри хаёлда яшайди.

6. Ишончли одамлар содиқ одамларга ишонмагунча содиқ бўлмайди (яъни бир бирига бўлган ишонч йўқолади).

7. Озиқ-овқат етишмаслиги юзага келади. Вазирлар ўз ишларини яхши бажармайди. Жазо кўрқувга олиб келмайди, мукофот эса бахт келтирмайди. Ушбу етти фалокатга дуч келган мамлакат душман томонидан осонгина йўқ қилинади.

Моизмда мамлакат бойлигининг ўлчови – бу етарли таъминот ва кўп сонли аҳолидир. Тежамкорлик мақсадга эришишнинг калити деб ишонилади. Етарли таъминот сабабли эркаклар фавқулудда ва ортиқча

меҳнат, узоқ муддатли уруш ва қашшоқликдан озод бўлишади. Бу туғилиш даражасини оширади.

Манбаларда қайд этилишича, Мо-цзы даврида Хитой хукмдорлари ва бадавлат фуқаролар серхаражат дафн маросимларини ўтказишган. Кўплаб бойликлар мархумлар билан дафн қилинган, мотам маросимлари уч йилгача давом этган. Мо-цзининг фикрига кўра, бундай узоқ маросимлар пайтида одамлар деҳқончилик ёки оилаларига ғамхўрлик қила олмайдилар. Бу эса қашшоқликка олиб келади. Шунинг учун Мо-цзы бундай узоқ ва дабдабали дафн маросимига қарши бўлган.

Моистлар дафн ва бошқа исрофгарчилик маросимларига қарши ҳукуматни тежамкорликка чақиради, аммо руҳий қурбонликларни беҳуда деб ҳисобламайди. Моистлар бегуноҳ ўлдирилган одамларнинг руҳлари касос олиш учун пайдо бўлган деб даъво қилишди. Шунингдек, руҳлар бошқа адолат ҳаракатларини амалга ошириши қайд этилган. Моистлар осмонга илоҳий куч – “Тянь” одамларнинг ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари ҳақида биладиган ва улардаги ахлоқий фазилатларни рағбатлантиришига ишонишган. Мо-цзы одамларнинг фаталистик (ҳамма воқиаларнинг азалдан белгилаб қўйилгани тўғрисидаги таълимот) фикрлашига қўшилмайди. Бу фикрни қашшоқлик ва азоб-уқубатларга олиб боришда айблайди¹⁷.

Шунингдек, Мо-цзы маросим мусиқаси ва тасвирий санъатни фойдасиз деб ҳисоблайди. Мусиқа ва тасвирий санъат завқланиш ва ёқимли нарса эканлигини тан олсада, у буни фойдали деб билмайди. Крис Фрейзернинг қайд этишича, “моистларнинг мусиқа ва маросимларни рад этиши ижтимоий элитага унчалик ёқмади. Моистлар томонидан тарғиб қилинган турмуш тарзи аҳолининг аксарият қисмининг фаровонлик ва муваффақият ҳақидаги ғояларига зид эди¹⁸.

Қайд этилишича, қуйидагилар моизм таълимотининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

¹⁷ Подпрыгните Ста философов. Путеводитель по величайшим мыслителям мира Питер Дж. Кинг, польское издание: Elipsa 2006.

¹⁸ Chris Fraser. Mohism. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октября 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. Архивировано 21 марта 2019 года.

1. Муносибларни ва малакачиларни тарғиб қилиш: Давлатнинг мақсади жамиятни ягона ахлоқ – “И” га олиб келиш орқали қатъий тартиб “Чжи” ўрнатишдир. Жамиятнинг ахлоқий тарбияси моҳир ва муносибларни кўрсатиш орқали амалга оширилади. Улар яхши хулқ-атвор намунаси бўлиб, давлат намуначиларни мукофотлайди, юксалтиради, қаршилик кўрсатганларни жазолайди. Давлатни фазилатли монарх бошчилигидаги марказлашган бюрократик аппарат ва у тайинлаган муносиб амалдорлар иерархияси бошқаради. Лавозимга номзодларнинг ижтимоий мавқеи ва зодагонлигини ҳисобга олмаган ҳолда, ахлоқий хизмат асосида амалга оширилади.

2. Ҳамма учун тенг муҳаббат ва ҳужумларни қоралаш: Ижтимоий тузумнинг асосини Жэнь ташкил этади. Унда одамлар бир-бирига ва бошқа барча одамларга, оилаларга ва жамоаларга ғамхўрлик қилишлари керак. Давлатнинг мақсади одамларнинг максимал кўпчилигига максимал фойда келтиришдир. Бунга ҳарбий тажовуз, ўғирлик, талончилик ва қотиллик зид келади. Булар одамларга зарар етказади. Осмон, руҳлар ва умуман жамият учун фойдасиз.

3. Харажатларда ва дафн маросимларида тежамкорлик: Ҳашаматли ва фойдасиз харажатлардан воз кечиш керак. Фазилатли киши киммат дафн маросимлари ва узоқ мотам маросимларни олдини олади¹⁹.

4. Осмон иродаси ва рухий кўриш: Осмон донолик ва ахлоқ туйғуси билан таъминланган. У билан ўзаро боғлиқлик одамларнинг “И” солиҳ ва ахлоқий хатти-ҳаракатларининг объектив стандартидир. Осмон унинг иродасига бўйсунганларни мукофотлайди ва унга эътибор бермаганларни жазолайди. Бу одамларнинг инсонпарвар ва солиҳ бўлишлари учун яна бир рағбатдир. Жамоат тартибини ўрнатиш учун ҳукмдор бу ҳаётда яхшиликни мукофотлайдиган ва ёвузликни жазолайдиган руҳларга ишонишни керак.

¹⁹ Рубин В. А. Личность и власть в Древнем Китае. — М.: Вост. лит., 1999. — 384 с. — (Corpus Sericum). — ISBN 5-02-017868-3.

5. Муסיқа ва фатализмни қоралаш: Инсонпарвар одам муסיқани, хукмдорлар ва юқори мартабали амалдорлар ҳашаматининг бошқа белгиларини қоралайди. Чунки улар оддий одамларни боқиш учун йўналтирилиши мумкин бўлган ресурсларни ўзлаштиради. Фатализм инсониятга зид келадиган – жень. Чунки у жамоат бойлигини ўзлаштиришга, одамларнинг кўпайишига ва жамоат тартибини сақлашга тўсқинлик қилади. Эҳтимол, Мо-тзы ўзининг паст ижтимоий мавқеи туфайли аристократик маданият муҳим эмаслигини таъкидлаган²⁰.

“Маоистик фалсафий ва сиёсий таълимотнинг асоси жамият ва давлатни бошқарадиган объектив стандартларни излаш эди. Уларнинг терминологиясида “Фа” – “намуналар”, “стандартлар” деб номланган. Моизмда “Фа” принцип ёки қоида сифатида эмас, балки қоидаларни ишлаб чиқиш учун мос бўлган амалий модел сифатида қаралади. Шунинг учун, осмон энг юқори мисолдир. Бироқ, осмон нимани хоҳлайди ва нимани хоҳламайди?. Осмон, албатта, одамларнинг бир-бирини севишини ва бир-бирига фойда келтиришини хоҳлайди. Одамлар бир-бирига ёмонлик қилса, бир-бирини алдаса, осмон учун ёқимсиз. Аммо осмон одамларнинг бир-бирини севишини, бир-бирига фойда келтиришини хоҳлашини, одамларнинг бир-бирига ёмонлик қилишини ва бир-бирини алдашини истамаслигини қаердан биламиз? Бу осмон умуминсоний севгига содиқ қолиши ва барчага фойда келтиришидан кўриниб турибди. Осмон барчага тенг муҳаббатга риоя қилишини ва ҳаммага фойда келтиришини қаердан билдингиз? Бу осмоннинг универсаллигидан, барчани боқишидан кўриниб турибди. Осмон катта ва кичик, олийжаноб ва қабиҳни ажратмайди. Ҳамма одамлар осмоннинг хизматкорлари²¹.

Моист ахлоқи ва сиёсати ҳақиқат ва ахлоқнинг ўзгармас ва объектив мезонини таъминлайдиган юқори куч – осмон ва унинг иродаси/буйруғи ҳисоланади. Осмонга бўйсуниб сабаблари орасида юборилган совғалар

²⁰ Chris Fraser. *Mohism*. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октябры 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. [Архивировано](#) 21 марта 2019 года.

²¹ «Мо-цзы» // Древнекитайская философия : Собрание текстов в двух томах / Сост. Ян Хиншун. — М. : Мысль, 1972. — Т. 1. — С. 175—200. — 363 с. — (Философское наследие).

учун миннатдорчилик, жазодан кўрқиш ёки осмон коинотдаги энг олийжаноб ва доно куч эканлигига ишониш бор²².

“Мо-цзы конфуцийликнинг олдиндан белгилаб қўйилган тақдир хақидаги фикрини рад этди. У инсон ўз йўлини танлашда эркин эканлигини эълон қилди. Шунингдек, улар рухларга ишонди ва уларни осмон иродасини бажарадиганларни мукофотлайдиган яхшиликка ва Жаннатга зид ҳаракатлар учун жазолайдиган ёвузликка бирлаштирди. Унда осмон иродаси инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати ва ўзаро тенглик деб талқин қилинади. Мо-цзы осмон ҳар кимни тенг яратди ва буни тушунадиган ва тан оладиган, шунингдек, ўз ишларида осмон иродасини мужассам этган одамгина муносиб ҳисобланади. Шу муносабат билан моизм синфий имтиёзларни, лавозим ва унвонларни мерос қилиб олишни, шунингдек ҳокимиятнинг халққа қарши ҳаракатларини, шу жумладан урушларни ёки император томонидан халққа зарар етказадиган ҳар қандай қарорларни танқид қилди.

Моиситларнинг осмон ва рухлар билан боғлиқ қарашларига қўшилиб бўлмайди. Гарчи моистлар ҳар бир нарса ва ҳодисанинг моҳиятига мантиқий баҳо бериш орқали унинг асосини аниқлашга интилган бўлса-да бу ўринда гап айнан нима хақида эканлиги маълум эмас. Манбаларда қайд этилишича, моистларнинг кейинги вакиллари ҳам ўзларидан олдинги моистларнинг осмон билан боғлиқ бўлган қарашларига қўшилмаган. Хусусан, моистлар таълимоти бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Грэмнинг сўзларига кўра, милоддан аввалги IV асрда Хитойда Ян Чжу фаолияти билан боғлиқ “метафизик инқироз” натижада моистлар осмонга ва рухларга мурожаат қилиш шошилини ахлоқий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилиш учун етарли эмас деган хулосага келишган²³. Унинг сўзларига кўра, моистлар вақт ўтиши билан ҳукумат тамойилларининг ўзгармаслигини коинотдаги ўзгармаслигидан чиқариб ташлаш учун макон

²² Chris Fraser. Mohism. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октябры 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. Архивировано 21 марта 2019 года.

²³ Кобзев А. И., Еремеев В. Е., Карапетьянц А. М., Рыков С. Ю. Мо цзин // Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. / гл. ред. М. Л. Титаренко. – М.: Вост. лит., 2009. — Т. 5. Наука, техническая и военная мысль, здравоохранение и образование. — С. 750—766. — 1055 с. — ISBN 978-5-02-036381-6.

ва вақтни ажратдилар, яъни улар илмий мақсадларни эмас, балки ахлоқий ва сиёсий мақсадларни кўзладилар²⁴.

Моистлар, конфуцийлар сингари, фақат ахлоқий меъёрларни бирлаштирган сиёсий раҳбарга эга бўлиш жанжал ва қотилликка чек қўяди, деб ишонишган.²⁵

“Моизм таълимотида давлатга барча даражадаги механизм сифатида каралади. Энг инсонпарвар одам маъмурият бошига қўйилиши керак. Механизм қуйидагича тасвирланган: Яхши ёки ёмон ҳақида эшитган ҳар бир киши бу ҳақда ўз раҳбарига хабар бериши керак. Раҳбар нимани тўғри деб топса, ҳамма тўғри деб, нимани нотўғри деб топса, ҳамма нотўғри деб тан олиши керак. Агар бошлиқ хато қилса, уни тузатиш ва кўрсатма бериш керак. Агар бўйсунувчилар яхши бўлса, унда бошлиқ уларга таяниб, уларнинг тавсияларини инобатга олиши керак.

В.А.Рубиннинг фикрига кўра, Мо-цзы давлатнинг машина эканлигини биринчи марта кашф этган ва машинага хос ажойиб имкониятлар ҳақида таъкидлади. Моистлар бошқарувни мутахассислик, ҳунармандчилик деб ҳисоблайди. Дурадгорлар, қассоблар, камончилар ва аравакашлар билан таққосланади. “Юқорилар пастдагиларни хизматга фақат битта нарса – моддий манфаатлар билан жалб қилишлари мумкин, пастдагилар эса юқоридагиларга фақат битта нарса – ўзларининг маҳоратини таклиф қилишлари мумкин. Ҳокимиятнинг ахлоқий жиҳатлари билан қизиққан Конфуций таълимотидан фарқли ўлароқ, моистлар техник жиҳатлар билан ҳам қизиқишган. Маъмур ўз кўникма ва қобилиятларини моддий неъматлар учун сотади ва муайян ҳуқуқбузарликлар содир этиш орқали уларни йўқотишдан кўрқади. Маъмурият – вазифаларни мунтазам виждонан бажариш керак. Давлат ва халқ фаровонлиги унларга боғлиқ”²⁶.

²⁴ Graham A. C. Disputers of the Tao: philosophical argument in ancient China. — La Salle, Ill.: Open Court, 1989. — x, 502 p. — ISBN 0812690877.

²⁵ Chris Fraser. *Mohism*. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октябры 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. [Архивировано](#) 21 марта 2019 года.

²⁶ Рубин В. А. Личность и власть в Древнем Китае. — М.: Вост. лит., 1999. — 384 с. — (Corpus Sericum). — ISBN 5-02-017868-3.

“Моист доктринаси шахсга эмас, балки бутун тузилмалар ва муассасаларга қаратилган ва учта асосий субъектни ўз ичига олади: моддий фаровонлик, аҳолининг ўсиши ва ижтимоий тартиб. Шунга кўра, ушбу субъектларнинг ўсиши ва фаровонлигини таъминлайдиган амалиёт ва институтлар яхши, қолганлари зарарли ва кераксиз²⁷.

Моизмнинг “Муסיқага қарши” бобининг биринчи қисмида шундай дейилган. “Оддий одамларда учта офат бор. Оч қолганларда овқат йўқ, совуққотганларида кийим йўқ, чарчаганларда дам йўқ. Одамлар бу учта муаммодан жуда азият чекмоқда. Аммо агар айнан шундай пайтда Ванлар, гунлар ва бошқа олийжаноб одамлар мусиқа кўнғироқ чалиш ва барабан чалиш билан ўзларини хурсанд қилсалар, лютлар, цинлар, свиреллар ва шэнлар ўйнасалар ва қуролларни намойиш қилиш учун жанговар машқларни ташкил қилсалар, унда оддий одамлар озиқ-овқат ва кийим-кечакларни қаердан олишади? Шунинг учун, менимча, бундай бўлмаслиги керак²⁸[39].

Мо-цзы император, ҳукмдор лавозимига юқори синф мақомига эга эканлигига эмас, балки қобилятга, доноликка ва меҳнатсеварликка эътибор қаратиш кераклигини айтади. Мо-цзы ўзи ёзганидек: ҳукмдор ўз фуқароларини меҳнатсеварлиги ва истеъдоди учун мукофотлайди ва улар эса императорни хурсанд қилишга ҳаракат қилади. Моистларнинг фикрича, ҳукмдорлар ҳамма билан тенг асосда хизмат қилишлари, ўз ҳаракатлари ва ишлари билан яхши ўрнак кўрсатишлари керак.

Мо-цзы ўз рисолаларида ўнга асосий мезонни шакллантирган:

- Инсоннинг инсонга бўлган универсал муҳаббати ва унга ҳамроҳ бўлган ўзаро манфаат;
- Доноликка ёки доноликка лойиқларга ҳурмат (Шан Сянь);
- Бирлик ёки бирлашишни шарафлаш (Шан Тун);
- Тажовуз қилмаслик (Фэй Гун);

²⁷ Chris Fraser. *Mohism*. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октябры 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. [Архивировано](#) 21 марта 2019 года.

²⁸ «Мо-цзы» // Древнекитайская философия: Собрание текстов в двух томах / Сост. Ян Хиншун. – М.: Мысль, 1972. — Т. 1. — С. 175—200. — 363 с. — (Философское наследие).

- Музикани рад этиш (Фэй Юэ);
- Дафн маросимларида тежамкорлик (Цзе сан);
- Умумий тежамкорлик, истеъмолни камайтириш (Цзе Юн);
- Осмон иродасини тан олиш (Тян Чжи);
- Такдирни рад этиш (Фэй Мин);
- Маънавият, руҳларнинг иродасини тушуниш ва тан олиш (Мин Гуй).

Моизм таълимотига кўра, ҳар қандай ҳукмнинг рационаллиги изчил учта мезонга жавоб бериши керак:

- Ҳукм оқилона асосга эга бўлиши керак;
- Унинг келиб чиқиш манбаи бўлиши керак;
- Ҳукм ҳақиқатда қўлланилиши керак”²⁹.

“Моизмнинг муҳим ғояларидан бири – агар одамлар орасида ўзаро муҳаббат бўлмаса, заифлар кучлиларга бўйсунди, камбағаллар бойлардан, оддий одамлар зодагонлардан азият чекади, айёрлар ишонувчанни алдайди. Барчага тенг муҳаббат моизмининг марказий тамойилидир. Дунёдаги барча муаммолар, жанжаллар, шикоятлар ва нафрат ўзаро муҳаббатнинг етишмаслигидан келиб чиқади.

Моизмнинг асосий қоидалари:

1. Олий ҳокимият халқига тегишли бўлиши керак.
2. Донолик бошқарувнинг асоси сифатида ҳурмат қилиниши лозим. Ҳукумат нафақат зўравонлик ва жазо, балки одамларга таъсир қилишнинг ахлоқий шакллари ҳам қўллаши керак.
3. Ҳукумат оддий одамларнинг манфаатларини ҳисобга олиш лозим.
4. Адолатнинг ягона моделини излаш учун Мо-цзы давлат ва ҳукуматнинг шартномавий келиб чиқиши ғоясини илгари сурди.

Мо цзы эрта никоҳ тарафдори бўлган. Унинг “мукамал доно конунлари” деб номланган матнида никоҳ учун зарур бўлган ёш эркаклар учун 20 ёшгача, аёллар учун 15 ёшгача камайтиш таклиф этилган.[МЦ,

²⁹ Моизм – древнекитайская философско-религиозная. | Легендарная Азия. Китай. Япония. Индия. Тайланд | В контакте (vk.com)

20.2]. Хукмдорларнинг аёлларга нисбатан меъёри ҳақида эслатмаларида канизаклар инсоннинг жинсий табиатининг табиий натижаси эканлиги, ammo улар билан муносабатлар давлат бошқарувида, миллий иқтисодиётга, халқ орасида насл қолдиришда халақит бермаслиги ва фақат ихтиёрий бўлиши кераклиги қайд этилган[МЦ, 6.8].

Моизм таълимоти давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши борасида ҳам муайян қарашларига эга. Мисол учун, моистларнинг ҳуқуқнинг келиб чиқиши борасидаги қарашларига кўра, “қадим замонларда, одамлар биринчи марта пайдо бўлганида, жазолар йўқ эди ва шу билан бирга ҳар бир киши адолат ҳақида ўз тушунчасига эга эди. Бирида битта, иккитасида иккита, ўнтасида адолат ҳақида ўнта фикр бор эди. Одамлар қанча кўп туғилса, адолатнинг турли ғоялари пайдо бўлди. Ҳар ким ўз нуқтаи назарини тўғри деб ҳисоблади. Бошқа одамларнинг қарашларини рад этди. Натижада одамлар ўртасида кучли душманлик пайдо бўлди. Оилаларда оталар, болалар ва ака-укалар бир-бирларига нафрат билан муносабатда бўлишди, биргаликда тинч яшай олмадилар, улар бир-бирларини тарк этишди. Ўрта Қироллик халқи олов, сув, заҳар ишлатиб, бир-бирига зарар етказди, кучлилар кучсизларга ёрдам бермади, ортиқча бойликка эга бўлганлар уларни баҳам кўрмадилар, балки бу ортиқча нарсаларни исроф қилдилар, ақлли тажрибасиз одамларга кўрсатма бермади ва улардан билимларини яширди”³⁰.

Умуман олганда, моистлар ўзлари тарғиб қилган ғоялар асосида сиёсий ташкилот туздилар. Конфуцийлар сингари, улар ҳам ўз аъзоларини нафақат фойда олиш учун, балки ўзларининг ахлоқий идеалларини амалга ошириш учун ёлладилар. Ушбу сиёсий тузилма ўша пайтдаги Хитойнинг барча йирик қиролликларида ҳам илмий, ҳам ишчи синфлар вакилларида иборат маҳаллий бўлинмалар тармоғидан иборат эди. Ҳар бир бўлинма жузи томонидан олиб борилди. Бирлик ичида камтарона турмуш тарзи кузатилди. Ҳар бир жузи ўз ворисини тайинлайди. Моистлар қишлоқ хўжалиги, мерос

³⁰ «Мо-цзы» // Древнекитайская философия : Собрание текстов в двух томах / Сост. Ян Хиншун. – М.: Мысль, 1972. — Т. 1. — С. 175—200. — 363 с. — (Философское наследие).

хукуқи, давлат бошқаруви бўйича рисоалар ёзди. Кўплаб урушаётган шохликлар уларни кўпинча ҳукумат маслаҳатчилари сифатида қабул қилишди”³¹.

Мо-цзынинг издошлари айрим жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб турган. Улар ўзига хос ҳаёт кечиришган. Мисол учун улар теридан тикилган кийим, ёғоч ёки ўсимликдан тўқилган поябзал кийишган. Улар кечаю кундуз тинчликни билишмаган ва ўзларини қийноққа солишни энг юқори ютуқ деб ҳисоблашган. Улар “агар сиз шунчалик тиришқоқ бўла олмасангиз, сиз Ю йўлидан бормайсиз ва Мо-цзынинг издоши деб аталишга лойиқ эмассиз” деган қоидага амал қилишган. Моистлар антик даврнинг афсонавий ҳукмдори Юни умуминсоний муҳаббат тамойилига содиқлик намунаси деб ҳисоблашган.

Айрим манбаларда қайд этилишича, “Мо-цзы шогирдлари ва издошлари ҳарбийлашган диний ва сиёсий ташкилот бўлиб, унинг тарафдорлари қобилятли, радикал ҳаракатларни, шу жумладан намойишкорона қатлларни ва ҳатто оммавий ўз жонига қасд қилишни амалга оширган³². Улар ўзларининг оқсоқолларини ҳақиқий донишмандлар деб ҳисоблашган ва кейинги авлодларга қонуний раҳбар ва ворис унвонига эга бўлишни хоҳлашган.

Иан Жонсоннинг сўзларига кўра, моистлар ҳаракати Мо-цзы вафотидан кейин камида бир аср давомида мавжуд бўлган ва эҳтимол, ғарбий Хан даврида ниҳоят тўхтаган³³.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қадимги Хитойда моизм тахминан милoddан аввалги V асрда вужудга келган, IV ва III асрларнинг биринчи яримида маълум машҳурликка эришган, милoddан аввалги III аср охирларига келиб уч қисимга бўлинган ва кейин ўз мавқеини ва машҳурлигини йўқотган.

³¹ Подпрыгните Ста философов. Путеводитель по величайшим мыслителям мира Питер Дж. Кинг, польское издание: Elipsa 2006

³² [Моизм – древнекитайская философско-религиозная. | Легендарная Азия. Китай. Япония. Индия. Тайланд | ВКонтакте \(vk.com\)](#)

³³ The Mozi. A Complete Translation / Translated and annotated by Ian Johnston. — N. Y.: Columbia University Press, 2010. — 1032 с. — (Translations from the Asian Classics). — ISBN 9780231152402.

Монизм сиёсий аҳамиятини йўқотган бўлсада, издошлари орасида маънавий мерос сифатида сақланиб қолган. Шунинг билан бир вақтда моизм таълимотининг барча одамларга тенг ғамхўрлик қилиш, ижтимоий тенглик тўғрисидаги қарашлари Хитой халқи орасида ҳорзир ҳам кадрланишини инкор этиб бўлмайди.

Умуман олганда, моистлар таълимоти қадимги Хитой ижтимоий фикрининг ривожланишига, мантиқ, гносеология фалсафага соҳасига ўзининг ҳиссасини қўшган. Энг муҳими моистлар маълум бир тузилмага ўз ташкилотига асос солган ва издошларини давлат вазифаларга тайинлашга эришган. Моистлар давлат ва жамият фаровонлиги билимга боғлиқ эканлигини айтишган. Улар хилма-хил фаолият билан, хусусан, сиёсий, ҳарбий, геометрия, табиатшунослик, мантиқ, фалсафа, табиий илоҳиёт масалалари билан шуғулланишган.

Худди бошқа таълимотлар сингари Хитой тарихида ушбу таълимотга турлича муносабатлар бўлган. Хусусан, конфуцийлик Хитойнинг ҳукмрон мафкураси сифатида қабул қилинган пайларда моизм қарашлари ва унинг тарафдорлари анча чекланган. Бироқ милодий XIX асрда Мо-цзы қарашларига яна қизиқиш уйғонган. Сунь Ижан Мо-цзы қарашларини нашр этган. Бертольт Брехт ва Албберт Швайцер ушбу фалсафий мактабни ўрганишган. Мо-цзы рисоласи 1922 йилда немис тилига қисман, 2010 йилда инглизча тўлиқ таржима қилинган. Мо-цзининг қачон, қаерда ва қандай вафот этгани ҳақида ҳеч нарса маълум эмас.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Ivanhoe, P.J.; Van Norden, Bryan William. Readings in classical Chinese philosophy. — en:Hackett Publishing, 2005. — С. 60. — ISBN 978-0-87220-780-6.
2. The Mozi. A Complete Translation / Translated and annotated by Ian Johnston. — N. Y.: Columbia University Press, 2010. — 1032 с. — (Translations from the Asian Classics). — ISBN 9780231152402.
3. Рубин В. А. Личность и власть в Древнем Китае. — М.: Вост. лит., 1999. — 384 с. — (Corpus Sericum). — ISBN 5-02-017868-3

4. Сокращенная философская энциклопедия Рутледжа. Под редакцией Эдварда Крейга. Издательство «Рутледж Паблишинг». 2005.
5. Идея Мо-цзы заключалась не в увеличении «количества» любви, а в её большей «беспристрастности», распространении на всех окружающих.
6. Моизм (xn--j1ahfl.xn--p1ai)
7. Сто философов: путеводитель по величайшим мыслителям мира
8. <https://citaty.su/mo-czy-vyskazyvaniya-i-izrecheniya-mo-czy>
9. Школа моцзя (墨家; моизм) - Большая Китайская Энциклопедия (shansbooks.ru)
10. Философия моизма — основные идеи - Блог «Шэнсяо» (shensyao.com)
11. Van Norden, Bryan W. Introduction to Classical Chinese Philosophy (англ.). — :en:Hackett Publishing^[англ.], 2011. — P. 52. — ISBN 978-1-60384-468-0.
12. Mohism - Wikipedia (turbopages.org)
13. Fraser, Chris, «Mohism Архивная копия от 21 марта 2019 на Wayback Machine», Стэнфордская философская энциклопедия, Edward N. Zalta.
14. Лоу, Майкл; Шонесси, Эдвард Л. (2011). Кембриджская история Древнего Китая. Издательство Кембриджского университета. стр. 761. ISBN 978-0-52-147030-8.
15. «Идеи Мози и их значение для изучения современных международных отношений». Китайский журнал международной политики. Оксфордский академический.
16. Рубин В. А. Личность и власть в Древнем Китае. — М.: Вост. лит., 1999. — 384 с. — (Corpus Sericum). — ISBN 5-02-017868-3.
17. Подпрыгните Ста философов. Путеводитель по величайшим мыслителям мира Питер Дж. Кинг, польское издание: Elipsa 2006
18. Chris Fraser. Mohism. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октября 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. Архивировано 21 марта 2019 года.
19. Рубин В. А. Личность и власть в Древнем Китае. — М.: Вост. лит., 1999. — 384 с. — (Corpus Sericum). — ISBN 5-02-017868-3.

20. Chris Fraser. Mohism. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октября 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. Архивировано 21 марта 2019 года.
21. «Мо-цзы» // Древнекитайская философия : Собрание текстов в двух томах / Сост. Ян Хиншун. — М. : Мысль, 1972. — Т. 1. — С. 175—200. — 363 с. — (Философское наследие).
22. Chris Fraser. Mohism. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октября 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. Архивировано 21 марта 2019 года.
23. Кобзев А. И., Еремеев В. Е., Карапетьянц А. М., Рыков С. Ю. Мо цзин // Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. / гл. ред. М. Л. Титаренко. — М.: Вост. лит., 2009. — Т. 5. Наука, техническая и военная мысль, здравоохранение и образование. — С. 750—766. — 1055 с. — ISBN 978-5-02-036381-6.
24. Graham A. C. Disputers of the Tao : philosophical argument in ancient China. — La Salle, Ill.: Open Court, 1989. — x, 502 p. — ISBN 0812690877.
25. Chris Fraser. Mohism. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октября 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. Архивировано 21 марта 2019 года.
26. Рубин В. А. Личность и власть в Древнем Китае. — М.: Вост. лит., 1999. — 384 с. — (Corpus Sericum). — ISBN 5-02-017868-3.
27. Chris Fraser. Mohism. Stanford Encyclopedia of Philosophy (21 октября 2002). Дата обращения: 21 февраля 2018. Архивировано 21 марта 2019 года.
28. «Мо-цзы» // Древнекитайская философия : Собрание текстов в двух томах / Сост. Ян Хиншун. — М.: Мысль, 1972. — Т. 1. — С. 175—200. — 363 с. — (Философское наследие).
29. Моизм – древнекитайская философско-религиозная. | Легендарная Азия. Китай. Япония. Индия. Тайланд | ВКонтакте (vk.com)
30. «Мо-цзы» // Древнекитайская философия : Собрание текстов в двух томах / Сост. Ян Хиншун. — М. : Мысль, 1972. — Т. 1. — С. 175—200. — 363 с. — (Философское наследие).
31. Подпрыгните Ста философов. Путеводитель по величайшим мыслителям мира Питер Дж. Кинг, польское издание: Elipsa 2006

32. Моизм – древнекитайская философско-религиозная. | Легендарная Азия.

Китай. Япония. Индия. Тайланд | В контакте (vk.com)

33. The Mozi. A Complete Translation / Translated and annotated by Ian Johnston. — N. Y.: Columbia University Press, 2010. — 1032 с. — (Translations from the Asian Classics). — ISBN 9780231152402.